



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XVI –  
ёш олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг  
илмий-амалий анжумани*



*XVI – traditional Republic  
scientific – practical conference of  
young scientists, master students  
and talented students under the  
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RECOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**/II-ҚИСМ/**

**Тошкент – 2017 йил 11 – 12 май**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ”  
мавзусидаги анъанавий XVI- ёш олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуман**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**/II-ҚИСМ/**

**ТОШКЕНТ – 2017**

176.	Садуллаев С.Н. - ТИМИ талабаси	Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда инновациялар	455
177.	Сапарбоев Х. - ТИМИ талабаси	Мамлакатимизда қулай инвестицион шароитларни яратишнинг устувор йўналишлари	457
178.	Сапарбоев Х. - ТИМИ талабаси	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат муносабатлари.	459
179.	Сапарбоев Х. - ТИМИ талабаси	Аҳоли бандлигини таминлаш ҳамда ишсизлик даражасини пасайтиришнинг аҳоли фаровонлигига таъсири	461
180.	Ташматов Ж.Қ. - студент ТИИМ	Экономика автомобильной промышленности в Узбекистане	464
181.	Тождидинова З. - ТИМИ талабаси, Шафқаров Ф. - ТИМИ ўқитувчиси	Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида агросаноат лизингининг тутган ўрни	466
182.	Тождидинова З. - ТИМИ талабаси, Мадаминаова З.Р. - ТИМИ катта ўқитувчиси	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти	469
183.	Fayzullayev U. - ТИМИ talabasi	O'zbekistonda yaratiladigan erkin iqtisodiy zonalalar	471
184.	Хужамкулова Х.И. - ТИМИ катта о'қитувчиси	Suv resurlari ta'minoti va ularni tashkil etish	473
185.	Хужамкулова Х.И. - ТИМИ катта о'қитувчиси	Suv resurslari sifatini yaxshilashning muhim omillari	477
186.	Хужамкулова Х.И. - ТИМИ, катта ўқитувчи	Сув хўжалиги ташкилотларида бошқариш тамойилларини такомиллаштиришнинг муҳим омиллари	479
187.	Хусанова Т., Каримов Н. - ТИМИ талабалари	Сув ресурслари ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик муаммолари	482
188.	Хамдамова Ф.Ф. ,Давлатов Х. - ТИМИ талабалари	Микрокредитлаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш	485
189.	Хамдамова Ф. Ф. - ТИМИ талабаси	Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирлари	487
190.	Хан Т. В. - студентка ТИИМ	Роль сельского хозяйства в экономике государства	490
191.	Хан Т. В. - студентка ТИИМ	Организация инновационной деятельности в сельском хозяйстве Республики Узбекистан	493
192.	Xudoyberdiyev N. N. - ТИМИ talabasi	O'zbekistonning iqtisodiy jihatdan o'sishi va rivojlanishida lizing kompanyasining tutgan o'rnini	496
193.	Хуснитдинов Ж. - ТИМИ талабаси	Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан тежамли фойдаланишда хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатлари	500
194.	Хуснитдинов Ж. - ТИМИ талабаси	Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш	502
195.	Ҳамроқулов Ж.С. - ТИМИ талабаси	Аграр тармоқ хўжаликларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	505

## АГРАР ТАРМОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳамроқулов Ж.С.-ТИМИ 3-босқич талабаси

### Аннотация

*Мақола аграр тармоқ хўжаликларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий механизм самарадорлигини ошириш, фермер хўжалиги фаолияти ичида ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари ҳамда моддий рағбатлантиришни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Мамлакатимизда кейинги йилларда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани замонавий техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш борасида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Албатта, янгидан ташкил этилган боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари учун лозим бўлган барча қўлайликлар яратилмоқда, жумладан, ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга; фермер хўжаликлари, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иштирокида ихтиёрийлик асосида янгидан ташкил этилган агросаноат фирмалари эса даромад (фойда) солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинди.

Айни пайтда солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, янги боғ ва узумзорлар яратиш, кенгайтиришга йўналтирилиши катъий белгилаб кўйилди. Ушбу тадбирлар янги боғ ва узумзорлар барпо этилиши ҳамда мавжудларининг ҳосилдорлигини оширишни, агросаноат фирмалари ташкил қилишни рағбатлантирувчи муҳим иқтисодий дастак вазифасини ўтади.

Қишлоқ хўжалигида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёни фермерликни, деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг асосий шаклларида бирига айлантирди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжалик шакллари бўйича таркибида фермер ва деҳқон хўжаликлари улушининг ортиб бораётганлиги ва барқарор ривожланаётганлиги тармоқда амалга оширилаётган кенг қамровли таркибий ва институционал ўзгаришларнинг муҳим ижобий натижаси ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер ер ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг эгаси бўлиб, ўз меҳнатининг натижасидан бевосита манфаатдордир. Натижада фермерларнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, уларда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун масъулият ҳисси кучайди [3].

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда [2].

Фермер хўжаликларининг юқори натижаларга эришишининг асосий омиллари қуйидагилардир:

- биринчи галда тармоқдаги реал аҳволни ҳисобга олиб ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислох қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши;

- қишлоқда бозор муносабатлари жорий этилиши ва хусусий мулкчилик шакли ривожлантирилиши;

- фермерлик ҳаракатини барқарор ривожлантириш учун ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва замонавий агроинновацион шарт-шароитлар яратилганлиги;

- деҳқон фермер ва механизаторларнинг, қишлоқ хўжалиги бўйича барча мутахассисларнинг касбий маҳорати ва ўз ишига содиқлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги барча ресурслар ва имкониятларнинг тўлиқ сафарбар қилиниши [3].

Шунингдек, фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш иқтисодий механизм самарадорлигини оширишда фермер хўжалиги фаолияти ичида ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари ҳамда моддий рағбатлантиришни ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Бироқ ҳозирги даврда ушбу йўналишда кўп иш қилиниши даркор. Яъни фермер хўжалиги раҳбари билан унда ишлаётган фермер хўжалиги аъзолари ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби талабга жавоб бермайди.

Аграр тармоқ хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири-тадбиркорлик даражаси ҳисобланади. Тадбиркорлик даражаси эса, бевосита қишлоқ хўжалиги товарлари бозорида шаклланган талаб-таклифлар ва баҳо асосидаги тадбиркорликнинг даромад даражасига боғлиқдир. Бу эса аграр тармоқ хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда турли товарлилик даражасига эга бўлиши орқали, уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

Аграр тармоқ хўжаликларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, авваламбор, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқ хўжаликларининг табиий-иқтисодий шароити, ихтисослашуvi, уларнинг фаолият йўналишлари ва натижалари бўйича табақалашуvi ҳамда мослашуvi, турли тадбиркорлик тизимларининг ички ва ташқи имкониятларидан фойдаланишнинг турли даражаси объектив жараёнларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳам аграр тармоқ хўжаликларининг ривожланиш стратегиясини, улар фаолиятини тавсифловчи гуруҳларни мавжуд реал шароитдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бундай бўлиш аграр тармоқ хўжаликларини ривожлантириш стратегиясини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида, аграр тармоқ хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқ хўжаликларининг юқорида таъкидланган қайси хусусиятига мос келишига қараб, ривожланиш стратегиясини танлаши нафақат назарий, балки реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражаси юқорилигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам аграр тармоқ хўжаликларининг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишида ушбу омил муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу йўналишдаги аграр тармоқ хўжаликларининг меҳнат сиғими юқори бўлган ва улар фаолият юритаётган ҳудудда рақобатнинг пастлиги шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлари учун диверсификациялаш стратегиясини танлаши мақсадга мувофиқдир [3].

Тадбиркорлик туридаги аграр тармоқ хўжаликлари учун кооперация ривожланиш стратегияси билан минтақавий ҳолда ўсиш стратегиясини биргаликда олиб бориш ва ривожлантиришни амалга оширишни тавсия этиш мумкин. Минтақавий стратегияни танлашда улар маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга ихтисослашиб, асосий эътиборни шунга қаратиш мумкин.

Аграр тармоқ хўжаликларининг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш, авваламбор маълум даражада ресурсларни талаб этади. Шунинг учун ҳам аграр тармоқ хўжаликларининг ҳозирги ресурслар билан таъминланганлик даражаси, кредит олиш имконияти ва инвестициялаш уларнинг танлаган ривожланиш стратегиясини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди [2].

Мамлакат аграр тармоқ ривожланишига салбий таъсирининг олдини олиш ва юмшатишда қишлоқ хўжалиги, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг қуйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади:

- бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

- аграр тармоқ хўжаликларида маҳсулот таннархини камайтириш, унинг рақобатбардошлиги ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини оширишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизминини такомиллаштириш;

- мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотлар қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ишларини ташкил қилиш ва ҳк.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз аграр тармоқ хўжаликлари фаолиятини барқарор ривожлантиришда қуйидаги тадбирларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир:

- аграр тармоқ хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ишини янада ривожлантириш;

- аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари ва картошкани аграр тармоқ хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш ва уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш;

- бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришдаги оптималлаш, мавжуд ишлаб чиқилган тавсиялардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат [1].

**Хулоса:** Демак аграр тармоқ хўжаликларида замонавий инновацион агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин.

**Таклиф:** Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар Стратегияси” ПФ-4947-сон, 7.02.2017 й.
2. “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ- 4478-сон, 22.10.2012 й.
3. Салимов Б. “Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисоди”. –Тошкент 2004 й.

**Илмий раҳбар: Рустамова Д.Р.-ТИМИ катта ўқитувчиси**